

# Xabar

29  
(1035)-son

20-iyul

www.xabar.uz  
info@xabar.uz

2012

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan



## Йигитнинг кўксидир Ватанга қалқон

Дарҳақиқат, қадим-қадимдан оила хотиржамлиги ва фаровонлигини таъминлаш, Ватанни душманлардан ҳимоя қилиш йигитлар зиммасига юклатилган. Шунинг учун ҳам бирор оилада ўғил фарзанд дунёга келса, нафақат ўша оила аъзолари, балки бутун маҳалла аҳли хурсанд бўлишган. Унинг яхши инсон бўлиши, мард, жасур, юрт ҳимояси учун кўксини қалқон қилишга доимо ҳозир турадиган бўлиб вояга етиши учун ҳаракат қилишган.

Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида истиқомат қилувчи Юсуф Ризоев хонадониди ҳам шундай бўлди. Тўнғич фарзанд Ғуломжоннинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун нафақат ота-онаси, балки ҳарбийликни ўзлари учун шараф деб билган тоғалари — Қашқадарёдаги ҳарбий қисмлардан бирида алоқачи бўлиб ишловчи Баҳодиржон ҳамда Чирчиқ шаҳридаги махсус отряд командири Ҳайдарбеклар ҳам баравар жон қуйдиришди.

5-бет

3-бет

### Сўнги янгилик!

Мазкур ҳафтада UZ ҳудудида рўйхатга олинган домен-лар сони 15 мингдан ошди.

Маълумотларга кўра, ўсиш суръати йил бошидан буён 11,6 фоизни ташкил этди. Йил бошида UZ ҳудудида 13,43 минг домен қайд этилган эди.



Алоқа оламида

### Ушбу сонда:

|                                                           |    |
|-----------------------------------------------------------|----|
| <b>EAST TELECOM</b><br>янги бренд остида хизмат кўрсатади | 2  |
| <b>Келажакни кўзлаб</b>                                   | 3  |
| <b>Глобализация и духовность молодежи</b>                 | 6  |
| <b>Танлашда адашманг!</b>                                 | 11 |
| <b>Оила ва комил инсон тарбияси</b>                       | 13 |
| <b>Ватан шарафини ҳимоя қилиш — улкан бахт</b>            | 15 |

Теледастурлар, спорт, кроссворд

## Umadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло

Каримов 16 июл куни Оксаройда Франция Республикаси мудофаа вазири Жан-Ив Ле Дрианни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Франция ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва муҳим йўналишлари муҳокама қилинди ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қарори ҳамда "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

Жорий йилнинг 17 июл куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари муҳокама қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов томонидан 2012 йил 19 январда республика Хукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мамлакатимиз ғаллакорлари 7 миллион 170 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, юксак меҳнат ғалабасини кўлга киритдилар. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов Ўзбекистон ғаллакорларига табрик хати йўллади.

Республикамиз вилоятларида "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик байрамига бағишлаб аёллар спорт фестиваллари ўтказилмоқда. Мазкур спорт фестиваллари Жиззах, Навоий, Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларида бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонасида "Ўзбекистонда аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимининг ислоҳ қилиниши" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг биринчи ўринбосари Е.Канязов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси, шунингдек, Германия адлия федерал вазирлиги ва ушбу вазирлик ҳузуридаги Халқаро ҳуқуқий кўмак жамғармаси вакиллари, ҳуқуқшунослар ва соҳа экспертлари иштирок этишди.

# EAST TELECOM

## янги бренд остида хизмат кўрсатади

Шу йилнинг 18 июлидан бошлаб мамлакатимизда янги авлод тармоқларидан (NGN) фойдаланадиган ягона алоқа оператори — East Telecom янги бренд остида хизмат кўрсатишни бошлади. Бу ҳақда ребрендинг муносабати билан ташкил этилган матбуот анжуманида компания бош директори Ли Бек Хи маълум қилди.



"Ребрендингдан асосий мақсад — компаниянинг замонавий ва бетакрор қиёфасини яратиш, сифатли хизмат кўрсатиш асосида mijozlarга қувонч улаштиришдан иборат, — деди Ли Бек Хи. — Янги бренд учун танланган визуал ечим: бумеранг шакли туширилган лўнда ва ҳаракатчан рамз — замонавий телекоммуникация технологияларининг роли ва моҳиятини тўлиқ очиб бера олади. Яъни, у — ҳаракатни билдирувчи, янги имкониятларни очувчи ва ҳаётни энгиллаштирувчи, қувонч келтирувчи рамз.

Компаниянинг ушбу янги бренди "Черепаха" брендинг агентлиги томонидан ишлаб чиқилди. Мазкур агентлик вакилнинг сўзларига кўра, логотипдаги бумеранг бизнес жараёнларининг фаол ҳаракатини акс эттиради, шунингдек, қайтариш кафола-

ти остида алоқа сифатига кафолат берилишини ифодалайди.

East Telecomнинг ребрендингига фақатгина логотипдаги ўзгаришлар билан чекланмайди. Компания хизматлар сифатини ошириш, қатор янгиликларни жорий этиш борасида ҳам иш олиб боради.

Бугунги кунда East Telecom оптик толали ва мис алоқа кабеллари асосида ўзининг магистрал ва таксимловчи тармоқлари, жумладан:

- Тошкент шаҳрида оптик толали халқа асосидаги магистрал тармоғи;
- Барча вилоят марказларини ўз ичига оладиган, оптик толали алоқа линияси ва рақамли каналлар базасидаги Республика магистрал тармоғи;
- Туман марказлари ва шаҳарларни ўз ичига оладиган, рақамли алоқа каналлари асосидаги туман

магистрал тармоқлари орқали бир қатор алоқа хизматларини кўрсатиб келмоқда.

East Telecom турли тоифадаги mijozlarни интеграл хизматлар билан таъминлаш учун махсус ечимларга эга. Давлат муассасалари, банклар, меҳмонхоналар, бизнес марказлар ва йирик ташкилотлар компания mijozlarидир.

Рақамли телефон хизматлари, интеллектуал алоқа тармоқлари, шунингдек, маълумотлар узатиш, рақамли алоқа каналларини ижарага бериш, виртуал хусусий тармоқларни ташкил этиш ҳамда интернетта тезкор улашиш каби хизматларни ўз ичига оладиган замонавий комплекс телемулкот хизматларини таклиф этиш "East Telecom" МЧЖнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Лутфилло ТУРСУНОВ



## Тошкент энг гўзал шаҳар

Жаҳон цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган, "Шарқ дарвозаси" деб ном олган, халқимизнинг ғурури бўлмиш Тошкент шаҳри дунёдаги энг гўзал шаҳарлардан бири, дея эътироф этилди.

Бу ҳақда "Economist Intelligence Unit" таҳлилий компанияси ва "BuzzData" тадқиқот фирмаси томонидан тузилган рейтингда маълум қилинди. Шу билан бирга, пойтахтимиз Марказий Осиё ҳудудидан рўйхатга киритилган ягона шаҳар сифатида ҳам қайд этилди.

Ушбу рейтингни тузишда аҳолининг турмуш тарзи, ҳудуд ҳавосининг мусоффолиги, алоқа тизими, атроф-муҳит ва кўкаламзорлаштириш ҳолати, маданий бойлиги каби қатор омиллар инобатга олинган.



## Юрт обод, кўнгимлар обод

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиалида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва "Мустақкам оила йили Давлат дастури"нинг мазмун-моҳияти, белгиланган тадбирлар кўлами, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий соҳадаги вазифалар хусусида сўз бориб, сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллигини муносиб кутиб олиш, жойларда "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида ташкил этилаётган тадбирлар, ҳар бир кунимизнинг унутилмас лаҳзаларга бойлиги, сал аввалроқ пиллакорларимизнинг, шу кунларда ғаллакорларимизнинг улкан ютуғи, ҳукуматимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялашга эътибори тўғрисида фохрланиб гапиришди.

Жумладан, Давлатимиз раҳбарининг юртимиз ғаллакорларининг меҳнат ғалабаси муносабати билан табриғи, унда мадҳ этилган фикрлар, юртимизнинг ҳар бир ерида рўй бераётган ўзгаришлар, ободончилик, бунёдкорлик ишлари тўғрисида фикрлар билдирилиб, мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватан менга эмас, мен шу юрт, шу Ватанга нима бердим деган мавзулардаги баҳс-мунозараларда юрт туپроғини авайлашдек вазифалар бурчимизга айланиши тўғрисида сўз борди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,  
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

# Йигитнинг кўксидир Ватанга қалқон

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Болалигидан уларнинг шахдам одимларига, харбий кийим ярашиб турган тик қоматига ҳавас қилиб вояга етган Ғуломжон кишлоғидаги 31-ўрта мактабни тугатгач, 1999 йилда ҳужжатларини тўғри Тошкент электротехника алоқа институти (ҳозирда ТАТУ)нинг Махсус факултетига топширди. Юраги юрт ишки билан ёнаётган ўғлоннинг омади чопди — у талабалик шарафига муяссар бўлди.

— Харбий ҳаракатларни амалга оширишда алоқачилар меҳнати, керак бўлса жасурлиги муҳим ўрин эгаллайди, — дейди Ғуломжон. — Уларнинг синчковлиги сабаб энг оғир вазиятларда ҳам қалаба қўлга киритилганлигига кинофильмларни кўриб амин бўлганман. Қолаверса, юртни турли ёт кучлардан муҳофаза қилиш эр кишининг ишидир. Шу сабаб харбий алоқачилик касбини эгаллашга қарор қилганман. Ва ТАТУдаги ўқишим давомида бу касбни танлаб адашмаганлигимга амин бўлдим. Бу олий билим даргоҳида мен ўз касбининг усталари бўлган харбий соҳа вакилларида сабоқ олар эканман, касбимга бўлган қизиқишим, меҳрим янада ортди. Бугунги кунда мен ўзининг бор билим ва малакасини биз талабаларга беминнат ўргатган азиз устозларим — Махсус факултет бошлиғи полковник Б.Раҳиммирзаев, тарбиявий ишлар бўйича бошлиқ ўринбосари полковник Тян, подполковник Шералиев, полковник Сей, подполковник Тўлаганов, подполковник Жалилов ҳамда мен таълим олган "Қўлканалли алоқа ва радиоредакциялар" кафедраси бошлиғи подполковник Эшмуродов, рота командири капитан Ариповлар номини ҳурмат-эҳтиром



билан тилга оламан ва улардан бир умр миннатдорман.

Олийгоҳни юқори натижалар билан тамомлаган Ғуломжон Ризоев 2004 йилда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфидagi Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-харбий қисм)да гуруҳ бошлиғи сифатида ўз харбий фаолиятини давом эттирди. Олийгоҳда олган билимлари қўл келиб, у зиммасига юклатилган топшириқларни бекаму қўст бажара бошлади. Харбий хизматнинг дастлабки масъулиятли кунларида унга қисм бошлиғи полковник Д.Голдман, харбий қисм бошлиқ ўринбосарлари — штаб бошлиғи полковник Ю.Собиоров, П.Склярский, подполковник Т.Ғафуров ҳамда малакали офицерлар майор Н.Пракудин, подполковник Т.Сиддиқов, подполковник А.Шишкин каби харбий соҳанинг ўнлаб етук мутахассислари олийгоҳда олган назарий би-

лимларини амалиёт билан тўлдиришди. "Сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим" нақлига қатъий амал қилган Ғуломжон устозларидан ўрганишдан, ўқиб-изланишдан чарчамади. Ўз билим ва малакасини ошириш баробарида у хизмат поғоналаридан ҳам юқорилай бошлади. Ғуломжондаги қатъийлик ва матонатни кўрган Махсус авария-тиклаш бошқармаси раҳбарлари уни 5361-харбий қисмдаги иккинчи авария-тиклаш ишлари маркази бошлиғи лавозимига тайинлашди.

Ғуломжон Ризоев ўзига топширилган вазифа масъулиятини чуқур ҳис қилган ҳолда ишга ёндашиб, устозларидан олган билим ва тажрибасини харбий соҳанинг ёш вакиллари бўлган муддатли харбий хизматчиларга ўртаб келмоқда. Уларни ота-боболаримиз анъаналарига садоқат, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшапти. Унинг Ватан мудо-

фааси йўлидаги хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Жорий йилнинг январ ойида у Ўзбекистон Куролли Кучлари ташкил топганлигининг 20 йиллиги муносабати билан ҳамда юрт химоясига қўшган муносиб ҳиссаси учун "Шуҳрат" медали билан мукофотланди.

— Ушбу кун ҳаётимда энг бахтли кун сифатида муҳрланиб қолди, — дейди Ғуломжон. — Мен оддий бир харбий хизматчи сифатида юртимизда мудофаа ишларини қучайтириш учун ҳамма ишлар қилинаётганлигининг, харбий қисмлар энг замонавий курол-аслаҳалар билан таъминланаётганлигининг, техника ва технологиялар билан жиҳозланаётганлигининг гувоҳиман. Биз харбийларнинг фаровон яшашимиз, бор қуч ва имкониятларимизни Ватан мудофааси йўлида сарфлашимиз учун ҳамма шароит яратилган. Буларнинг барчаси учун аввало Республикаимиз Президенти, Куролли Кучларимиз Олий бош қўмондон Исом Каримовга чуқур миннатдорлик билдираман. Шунингдек, камтарона хизматимни юқори баҳолаб маъқур унвонга тавсия қилгани ва менга юксак ишонч билдиргани учун қисм бошлиғимиз полковник Юрий Собиоровга раҳмат айтаман. Менга берилган мукофот қисимимиз харбийлари меҳнатига берилган баҳо деб, ўйлайман.

Ха, ушбу юксак мукофот майор Ғуломжон Ризоевни янги чўққилар сари чорламоқда. У янада кўпроқ ғайрат, янада жўшқин шижоат билан хизматга келаётган ёшларни ота-онасига, халқига, Ватанига садоқат руҳида тарбиялаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшапти. Рафиқаси Барноҳон билан биргаликда фарзандлари Бехрузбек ҳамда Шоҳрухбекларни ҳам ўз юртининг химоячилари, посбонлари қилиб вояга етказишяпти.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз Ғуломжон каби фидойилар билан тинч ва осойиштадир.

**Муборак МИРКАМОЛОВА,**  
"Xabar" мухбири

Гулсум опа "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан танишиб чиққач, худди лотереясига ютуқ чиққан кишидай қувонди. Сўнгра ҳамкасблари Дилором Ёдгорова ва Турсуно Бегматова билан қувончини баҳам кўрди.

— Бу ҳуқуқий ҳужжатни сизлар ҳам обдон, синчковлик билан ўрганиб чиқсангиз фойдадан холи бўлмайди, — деди у. — Янги қонунда фуқароларнинг эркин ахборотга эга бўлиши чинакамига қафолатланган.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида собиқ кутубхоналар ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс маркази сифатида янги мавқега эга бўлди. Ёки бу соҳа ходимлари меҳнатига эътибор ошди. Энди улар оддий китоб тарқатувчилардан миллий маънавиятимизнинг фаол тарбияловчисига айланди.

Гулсум Одинаеванинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори фаолият йўналишини тубдан ўзгартириб юборди. Ушунда Узун тумани бўйича 41та филиал фаолият кўрсатиб келаётган эди. Қироатхоналардаги китоблар тўла йиғиб олинди. Гулсум опа туман кутубхона марказидан Узун маиший хизмат касб-хунар коллежи ахборот-ресурс марказига раҳбар этиб юборилди.

Соҳасини сидқиқилдан севган киши қаерда бўлмасин, ўз ўрнини топа билди. Коллеждаги АРМ ишини йўлга қўйишда ҳам Гулсум Одинаеванинг та-

## Келажакни кўзлаб



шаббаскорлиги ва жонқуярлиги шундай сезилиб турди. Натижада китобхоналар сафи кенгайиб борди. Улар қатори фақат хунар маскани ўқувчилари ва ўқитувчиларидан иборат бўлиб қолмади, балки худуддаги "Маландиён", "Янгиўзгор" маҳаллалари аҳолиси ҳам ана шу маънавият сарчашмасидан баҳраманд этилди. Хозир коллеж ахборот-ресурс марказининг қарийб етти минг нафар китобхона бор. Улар Дилрабоҳон Норбадалова раҳбарлик қилаётган коллеж компютер технологиялари маркази имкониятларидан кенг фойдаланишмоқда. Олтинга компютер ёрдамида бадиий китоблар ва баъзи дарсликларнинг электрон вариантлари билан таништирилиб бориляпти.

Мустақиллик берган бундай бебаҳо имкониятлар ёшларни қомил инсон қилиб тарбиялашда ижобий рол ўйнамоқда. Коллежда китобни ўзига энг яқин дўст деб билган ўғил-қиз борки, унинг фикри теран, сўзи маъноли ва ниҳоят, мақсади

улуғ. Дарвоқе, Г.Одинаева раҳбарлик қилаётган жамоанинг 2011 йилда "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази" республика кўрик-танлови совриндорлари сафидан ўрин олгани бежиз эмас.

Узун маиший хизмат касб-хунар коллежи ёшларидан бир гуруҳи ахборот-кутубхона йўналиши бўйича таҳсил олишмоқда. Жорий йилда яна бир гуруҳ мустақил ҳаётга йўланма олди. Энг муҳими, бундай ёшлар учун коллеж ахборот-ресурс маркази бошланғич амалиётни ўташ марказига айлантирилган. Улар малакали мутахассислар қўмағида танлаган касби бўйича етарли маълумот олишмоқда. Амалиётнинг иккинчи босқичи туман коллежлари ва мактабларида ўтказиляпти.

Гулсум опа истиқлолнинг илк йилларида "Кутубхона маликаси" кўрик-танловида ғолиб бўлди. 1998 йилда эса "Кутубхона — оила хизматида" мавзусидаги республика тадбирининг фаол иштирокчиси сифатида танилди. Туман-

нинг Бобомурод Омонов номидаги хўжалигида истикомат қилаётган Мурод Ҳакимов, Носир Ражабов, Зулхумор Ниёзова кабиларнинг оилавий китобхонликини ташкил этиш борасидаги тажрибаларини оммалаштиришда мохир кутубхоначининг хизмати катта бўлди.

Бугунги кунда Узун маиший хизмат касб-хунар коллежининг Гулсум Одинаева мудирлик қилаётган ахборот-ресурс марказида 22 нафар ходим хизмат кўрсатмоқда. Коллеж ахборот-ресурс маркази 80525та китоб фондига эга. Унинг 7444таси янги авлод дарсликлари. Ёшлар 113та электрон дарсликлардан ҳам унумли фойдаланишмоқда.

Гулсум опа ўзи бошлиқ ахил жамоанинг Ватан келажакига хизмат қилаётганидан фахрланиди. Улар мустақиллик кунининг 21 йиллик тўйини ҳам ёруғ юз билан қутиб олишмоқда.

**Нортожи ЗИЁЕВ,**  
"Xabar"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

## Xalqaro haqot



### ХАЛҚАРО МЕХНАТ

ТАШКИЛОТИНИНГ маълумотларига кўра, 2016 йилга бориб евровалюта амал қиладиган қарийб барча мамлакатларда ишсизлар сони тўрт ярим миллионга ортиб, йигирма икки миллион кишини ташкил этиши кутилмоқда. Соҳа мутахассислари ишсизлик даражаси, айниқса, ёшлар ўртасида юқори бўлишини тахмин қилмоқда. Экспертларнинг сўзларига кўра, бу мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини кенг қўламда ривожлантириш, кредит ажратиш миқдорини кўпайтириш, тадбиркорлар фаоллигини янада ошириш орқали ушбу муаммонинг олдини олиш мумкин.

ХАМАС ташкилоти ракетанинг янги турини синовдан ўтказган. Миср ОАВ хабарига кўра, ракета Рафиахдан учирилган ва бир неча ўн километр учиб, Синай яриморлида портлаган. Ракета конструкциясига Ливия харбий омборидан ўнгиланган прототип асос бўлган, хабар беради MIGnews. Кузатувчиларнинг таъкидлашича, ХАМАС ракеталари масофасини узайтириш орқали Исроилнинг Газо минтақасида таъсирини камайтирмоқчи.

АҚШлик мутахассислар филдиракли робот-музлатгич яратдилар. Хабарларга қараганда, махсус радиопулт ёрдамида бошқариладиган ушбу қурилма инсталланган томонга бурилиш ҳамда ичимликларни хўжайинига узатиш имкониятига эга. Зарур ҳароратнинг сақланиши учун музлаткичга махсус резина клапан ўрнатилган. Айни пайтда мутахассислар бундай роботларни кенг ишлаб чиқариш лойиҳаси устида иш олиб бораётирлар.

ЕКАТЕРИНБУРГ шаҳрида яшовчи ногиронлар аравачасида юрадиган Александр Мокин шаҳардаги кафелардан бирдан суд орқали 100 минг рубл маънавий зарар ундириб олди.

Гап шундаки, маҳаллий кафе ходимлари ногиронни ўз биноларига киритишмаган. Ваҳоланки, у ўз туғилган кунини нишонлаш учун кафега олдиндан буюртма берган ва ногиронлар аравачасида ташриф буюришини маълум қилган эди. Кафе маъмурияти ўз хатти-ҳаракатига "у кўриниши билан бошқа хўрандалар кайфиятига таъсир қилишини" ваз қилиб кўрсатишган. Кейин бу воқеа кенг жамоатчилик норозилигини келтириб чиқарган.

АВСТРИЯлик машҳур дизайнер Габор Орсос суяда ҳаракатлана оладиган ҳашаматли уй лойиҳасини яратди. Лойиҳа муаллифининг айтишича, ушбу уйда бир вақтнинг ўзида ўн икки нафар меҳмонни қабул қилиш мумкин. Сузадиган мазкур уйни барпо этиш учун қарийб ўттиз саккиз миллион АҚШ доллари сарфланиши кутилмоқда. Габор Орсоснинг ишланмасига кўлаб мамлакатлар, жумладан, Австралия, АҚШ, Канада ва Хитой фуқаролари ҳам катта қизиқиш билдирмоқда.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишча, ушбу уйни Германияда барпо этиш режалаштирилган. 2013 йилга бориб уни буюртма асосида кенг ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида Қорақалпоғистон Республикаси Давлат алоқа инспекцияси томонидан 9та маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Мазкур аниқланган ҳолатлар бўйича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига асосан етти нафар юридик ва бир нафар жисмоний шахсга нисбатан тегишли маъмурий жазо чоралари кўрилди. Битта қонунбузарлик юзасидан ваколат доирасида чора кўриш мақсадида тегишли давлат органига ҳужжатлар тўплами тақдим этилди.

# Қонунбузарлик жазосиз қолмайди!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиалининг 6-боғламаси ҳамда Давлат алоқа инспекцияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлган шахарлараро магистрал оитик толали алоқа кабелларини муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорликда олиб борилган амалий ишларга қарамасдан айрим юридик ва жисмоний шахслар томонидан мазкур қарор талабларини бузилишига йўл қўйилиб келинмоқда. Масалан, "AZAMAT KARAMAYIN" кўп тармоқли хусусий фирмаси, "Трансйўлқурилиш" ДУК Нукус бўлими, "Нукус ихтисослаштирилган йўл хўжалиги пудрат, таъмирлаш ва фойдаланиш" (Шимол-ғарбий халқаро аҳолиядаги автомобил йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш корхонаси Нукус филиали), "Қорақалпоғистон Кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш" корхоналарининг мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 154-моддаси "Алоқа йўллари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш" қонунбузарлиги учун маъмурий жазо чоралари қўлланди.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг 2011 йил 28 декабрдаги 3-сонли мажлиси қарори билан тасдиқланган 2012 йилда текширишлар режа-жадвалига асосан 2012 йилнинг апрел ойида Қорақалпоғистон Республикаси Давлат алоқа инспекцияси томонидан "Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиалида ўтказилган режали текширишлар натижасида "Алоқа хизмати сифатида доир нормалар ва давлат тармоқ стандартларини, давлат алоқа тармоғи билан боғланадиган симли электр алоқа воситаларининг, радионурланишларининг параметрларини бузиш" ҳолатлари аниқланди. Мазкур қонунбузарликларни содир этган филиалнинг бир қатор мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 153-моддасига асосан маъму-

**Энг ачинарлиси шундаки, оммавий ахборот воситалари орқали ҳамда ўтказилаётган профилактика ишларида юридик ва жисмоний шахсларга алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритиш учун махсус рухсатнома (лицензия) олиниш зарурлиги тўғрисида ва Ўзбекистон Республикасида алоқа, радиолаштириш ва сигнализация линияларининг муҳофаза қилинадиган ҳудудида қуриш, сақлаш ва фойдаланиш тартиби бўйича мунтазам равишда огоҳлантиришлар олиб борилса-да, айрим кимсалар томонидан қонун бузилишларига йўл қўйиб келинмоқда.**

сидаги низомга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан ноқонуний фойдаланишни олдини олиш бўйича 2012 йилнинг ўтган олти ойи давомида ҳамкорликда тадбирлар ўтказилди. Натижада фуқаро Қ.Исмаилов Нукус шаҳри, 22 кичиктуман, 9/3-уй, 54-хонадонда кабел телевидение студиясини ташкил этиб, истеъмолчиларга хизмат кўрсатаётганлиги маълум бўлди.

Мазкур ҳолат ўрганиб чиқилганда, фуқаро Қ.Исмаилов бир неча бор ЎзААА Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ДАИ томонидан ташкил этилган "Очиқ эшиклар кунини"да иштирок этгани, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритиш учун лицензия ҳамда Электромагнит мослашув марказидан рухсатнома олиниши зарурлигини била туриб қонунбузарлик содир этганлиги аниқланди. Унга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 152-модда, 1-қисми талабларига асосан маъмурий жазо чораси кўрилди. Ҳужжатлар тўплами Нукус шаҳар Жиноят ишлар бўйича судясига, шунингдек, фуқаро Қ.Исмаилов лицензиясиз фаолият юритиб ноқонуний даромад олиб келаётганлиги юзасидан Солиқ кодексининг 117-моддасига асосан Нукус шаҳар Давлат солиқ инспекциясига юборилди.

Қорақалпоғистон Республикасида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида тегишли фаолият турлари ҳамда хизматлар кўрсатиш бўйича хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалдаги қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар талаб ва шартларининг бажарилишини таъминлаш ва мазкур фаолият турларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини олдини олиш Қорақалпоғистон Республикаси Давлат алоқа инспекциясининг доимий назоратига олинган.

**З.РАЖАПОВ,**  
Қорақалпоғистон  
Республикаси  
ДАИ катта инспектори

## Ҳикмат

Кимки ўзини ўз даражасидан юқори кўтарса, ундай кишига камолот йўли тўсилиб қолади.

Абу Наср ФОРОБИЙ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Бу борада республикада бир-қанча қонун ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Ушбу мустаҳкам қонуний-ҳуқуқий база асосида ўқув жараёнига ахборот технологияларини кенг жорий қилиш — таълим муассасаларини компютерлаштириш, интернет тармоғига улаш, дарс жараёнларини замонавий технологиялар асосида амалга оширишга эришиш борасида изчил чоратadbirlar кўрилмоқда. Ушбу вазифаларни ҳаёта татиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мултимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази алоҳида ўрин тутди.

Мултимедиа маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш" лойиҳасини амалга ошириш учун Корея Республикаси Ҳукумати томонидан берилган имтиёзли кредитдан самарали фойдаланиш чоратadbirlari тўғрисида"ги 312-қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Мултимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказини ташкил этиш чоратadbirlari тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил топган. Марказни ташкил этишдан

кўзланган мақсад ахборот-коммуникация технологиялари асосида замонавий мултимедиа умумтаълим дастурларини, электрон таълим ресурсларини яратиш, тақомиллаштириш ва уларни таълим жараёнига жорий этиш ҳамда оммалаштириш орқали Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим сифатини оширишдир.

Ўтган йиллар мобайнида марказда белгиланган вазифаларни бажариш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Марказ дастурчи ва мутахассислари томонидан бир қатор дастурий маҳсулотлар ва электрон ахборот-таълим ресурслари яратилган. Жумладан, Халқ таълими вазирлигининг [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) расмий веб-сайти яратилиб, унинг техник томондан узлуксиз иш фаолиятини таъминлаш ҳам марказ мутахассислари томонидан бир қатор дастурий маҳсулотлар ва электрон ахборот-таълим ресурслари яратилган. Сайтта умумий ўрта таълим мактаблари учун фанлар ва синфлар кесимида тақомиллаштирилган давлат таълим стандартлари, ўқув режалар ва услубий тантаномалар жойлаштирилган. Бундан ташқари, Марказ томонидан "Ўқувчиларга", "Ўқитувчиларга", "Мактаб психологига", "Ота-оналарга" руқилари остида 88та тест ва машқлар, 13та интерактив ўйинлар, тоифалар кесимида ўқувчи-

Мултимедиа маркази:

# Таълимга интерфаол ёндашув



лар учун 26та, ўқитувчилар учун 29та, мактаб психологлари учун 18та ва ота-оналар учун 28та ресурслар, 61 номдаги мултимедиа ресурслари ҳамда 15та видеодарслар яратилди. Умумий ўрта таълим мактабларининг 1-9 синфлари учун яратилган амалдаги 700га яқин ўқув дарсликлари ва методик қўлланмаларнинг электрон нусхалари шунингдек, кимё, биология, физика фанларидан 40дан ортиқ виртуал лаборатория-

лар ҳам вазирлик сайтига жойлаштирилди.

Марказ томонидан таълимнинг ахборот-таълим портали [www.eduportal.uz](http://www.eduportal.uz) ҳам яратилган бўлиб, унинг узлуксиз фаолият кўрсатиши билан боғлиқ техник тадбирлар амалга ошириб боришмоқда.

Мултимедиа маркази тасвирга олиш учун мўлжалланган барча керакли техникалар билан жиҳозланган студиясига эга. Бу ерда асосан мактаб ўқитувчилари иштирокида турли фанларга тааллуқли видеодарслиklar ёзиб олинади.

— Студиямиз ишга туширилганидан буён ҳуқуқ, меҳнат, физика, математика фанларига оид видеодарслиklar тайёрланди, — дейди марказ директорининг биринчи ўринбосари Қозимбек Ғафуров. — Видеодарслиklarни тайёрлашда Республика таълим маркази методистлари, тизимдаги малакали ўқитувчиларимиз ёрдамида фойдаланамиз. Улар студияга келиб, синф хонада ўқувчиларга дарс ўтатгандек бирор мавзунинг ёки лаборатория машғулотини ўтиб беришади. Жараён тасмаларга ёзиб олинади. Юнусобод туманидаги 12-мактаб тажриба-синов мактаби сифатида биз билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Тайёр бўлган видеодарслиklar ҳам дастлаб шу мактабда татиқ этилади. Муваффақиятли чиққан видеодарслиklar таълим тизимида фойдаланишга жорий этилади. Авваллари видеодарслиklar жойлардаги халқ таълими бошқармаларига жўнатилар, улар орқали мактабларга етказилар эди. Эндиликда Халқ таълими вазирлиги томонидан мактабларга ажратилаётган ҳар бир компютер хотирасига видеодарслиklarни шу ернинг ўзида жойлаб жўнатишимиз.

— Мултимедиа маркази билан доимий ҳамкорлик ўрнатганмиз, — дейди 12-мактабнинг 2-тоифали математика ўқитувчиси Захро Зоҳидова. — Ахборот-коммуникация технологиялари ри-

вожланган ва унга ёшларимизнинг қизиқиши тобора ортиб бораётган бугунги кунда таълим тизимига замонавий технологияларни татиқ этиш орқали фақат яхши натижага эришилади. Чунки ўқув жараёнида компютер технологияларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг фаоллигини ҳамда мавзунинг ўзлаштири-

лиш даражасини оширади. Хусусан, интерактив тарзда дарс ўтиш, бунда турли слайдлар, компютер дастурлари, виртуал лабораториялардан фойдаланиш, электрон тест синовларини қўллаш таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Тайёр видеодарслиklar ёки слайдлар ўқувчиларни ўзига кўпроқ жалб қилади, дарс ўтиш жараёнини енгиллаштириб, унинг моҳиятини аниқ кўрсатиб беради,


вақтдан ҳам унумли фойдаланилади. Ўзим ҳам студияда 9-синф учун энг қийин бўлган "Функциянинг аниқлиниш соҳаси" мавзусини видеодарслик шаклида тайёрладим. Ушбу видеодарслик дарс ўтишдаги бта пункт учун мўлжалланган бўлиб, 15 дақиқадан ўтилади. Мактабимизда ҳам электрон дарслиklar мавжуд, улардан дарс жараёнида кенг фойдаланиб келамиз.

Яна бир аҳамиятли томонини шуки, марказнинг алоҳида мажлислар зали энг сўнгги компютер техникалари, овоз кучайтиргич, проектор ҳамда махсус доскалар билан жиҳозланди. Натижада бу ерда конференцалоқалар ўтказиш имконияти яратилди.

Бугунги кунда долзарб бўлиб турган масалалардан яна бири бу 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги тури билан тўлиқ қамраб олиш вазифасидир. Ушбу вазифани бажариш учун марказ ходимлари умумий ўрта таълим мактаблари 9-синф битирувчилари ҳужжатларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига қабул қилишнинг автоматлаштирилган [mb.uzedu.uz](http://mb.uzedu.uz) дастурини яратдилар. Дастур марказнинг сервер майдончасига жойлаштирилиб, техник жиҳатдан камчиликларсиз ишлаш ҳолати ва ахборот хавфсизлиги марказ администраторлари томонидан доимий тарзда назорат қилиб борилади.

Марказда жорий йилда ҳам салмоқли ишларга қўл урилди. Ўтган олти ой давомида мутахассислар "Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди", 7-синф ўқувчилари учун "Конституция оламига саёҳат", "Электрон ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланиш усуллари", ўзбек ва рус тилларида инглиз тили курсини ташкил этиш мақсадида "Talking American", "Fun English for children", "Ingliz tili kattalar uchun — Английский язык для взрослых" каби таълим ресурслари яратилди. Айни дамда ҳам студияда иш қизин — меҳнат, тасвирий санъат, математика, жисмоний тарбия, зоология, Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари, интернет асослари ва кимё фанлари бўйича таълим ресурслари яратиш бўйича бор имкониятлардан фойдаланишмоқда.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,  
"Xabar" мухбири



Худудий халқ таълими бошқарув идоралари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари учун ягона шаклдаги веб-сайтлар ишлаб чиқилди.

# Глобализация и духовность молодежи

В столице состоялся "круглый стол", посвященный процессам глобализации и культуре пользования молодежью социальными сетями. В нем участвовали специалисты Узбекского агентства связи и информатизации, преподаватели и исследователи вузов, эксперты и журналисты.



На мероприятии отмечалось, что под руководством Президента Ислама Каримова в стране уделяется особое внимание обучению молодежи на уровне современных требований, ограждению ее от чуждых нашему менталитету вредных идей, подготовке зрелых специалистов, обладающих самостоятельным мышлением, широким мировоззрением.

Сегодня современные информационные технологии проникают во все сферы жизни. В частности, интернет превратился в наиболее массовое и скоростное средство передачи информации. В нашей стране большинство пользователей интернетом составля-

ют молодые люди. В нынешних условиях, когда углубляются процессы глобализации, усиливаются попытки манипулировать сознанием людей, важной задачей является ограждение молодых людей от негативной информации в социальных сетях.

Независимым институтом мониторинга формирования гражданского общества проведено специальное социологическое исследование среди молодежи, посвященное данным вопросам. В нем приняли участие студенты около двадцати вузов. Согласно данным исследования, современная молодежь пользуется всемирной паутиной для получения информации. По мнению

экспертов, получение молодыми людьми большого объема информации приумножает их знания, расширяет кругозор. Также было выявлено, что некоторые молодые люди заходят на иностранные сайты. Это требует более интенсивного развития национальных сайтов и увеличения количества информации, интересующей молодежь.

В ходе мероприятия состоялся обмен мнениями по вопросам ограждения молодых людей от негативной информации, повышения их навыков пользования информационно-коммуникационными технологиями, развития национального сегмента в сети интернет.

УзА

## SIM-КАРТЫ "БИЛАЙН", неактивные сроком до 3 месяцев, будут подключены при пополнении баланса

Единый оператор связи "Билайн" (ООО Unitel и СП Buzton) извещает абонентов о возможности активации SIM-карт, неактивных на протяжении срока до 3 месяцев, путем пополнения баланса.

Комментируя событие, старший менеджер по связям с общественностью Unitel Ораз Абдуразаков сказал: "Те абоненты, которые имеют SIM-карту "Билайн", но не пользовались ею на протяжении последних трех месяцев, могут свободно подключиться к нашей сети, просто пополнив счет. Надеемся, это поможет многим остаться на связи без повторного подключения".

## Офисы "Билайн" по всему Узбекистану с 17 июля будут работать до 22:00

Единый оператор связи "Билайн" (ООО Unitel и СП Buzton) сообщает о переводе офисов продаж и обслуживания на усиленный режим работы. С 17 июля собственные офисы и эксклюзивные дилерские салоны компании по всей стране работают до 22:00 и далее.

В Центральном офисе "Билайн" помимо зала офиса продаж и обслуживания дополнительные подключения ведутся у стойки, установленных у входа в здание.



## Офисы обслуживания клиентов "Ucell" работают до 24:00

ИП ООО "COSCOM", предлагающее услуги мобильной телефонии под торговой маркой "Ucell", сообщает о переводе офисов продаж и обслуживания на удлиненный режим работы. С 17 июля собственные офисы компании по всей стране работают до 24:00. Компания уточняет, что служба поддержки корпоративных клиентов будет работать до 21:00, а дилерские салоны и офисы компании перешли на режим работы до 24:00.

— Для удобства наших абонентов и в связи с увеличением числа желающих подключиться к сети "Ucell", собственные офисы компании по всей республике будут работать до 24:00 и дольше, пока офис не покинет последний клиент. Мы всегда заботимся, чтобы не только наши клиенты, но и все жители Узбекистана были на связи и могли бесперебойно общаться с родными и близкими, — комментирует Даврон Азизов, глава департамента по корпоративным связям.

Чтобы обеспечить максимум удобств для клиентов, "Ucell" также сообщает о возможности активации SIM-карт, неактивных на протяжении срока до 3 месяцев.

— Абоненты с нашей SIM-картой, которые были неактивны на протяжении последних трех месяцев, могут свободно подключиться к нашей сети, просто пополнив баланс на любую сумму, — отмечает Даврон Азизов.

Планируя меры по увеличению количества абонентов, мобильный оператор "Ucell" также работает над увеличением внешнего интернет-канала, чтобы создать максимальный комфорт для абонентов в использовании мобильного интернета.

## Коротко...

Согласно данным компании Verisign, количество доменов, зарегистрированных в интернете по итогам первого квартала этого года достигло 233 млн. увеличившись на 7,5 млн. от показателя предыдущего квартала.

Verisign является управляющим доменными зонами .com и .net, и по этим данным прирост составила 2,5% и 8,1% соответственно. А общая численность доменных имен в двух зонах составила 116,7 млн. Лидерами среди классических ccTLD на латинице являются Германия, Великобритания, Китай, Голландия и Россия.

По прогнозам компании Ericsson, к 2020 году около 50 миллиардов работающих электронных устройств будут взаимодействовать с интернетом через сети сотовых операторов или интернет-провайдеров. В это число включены компьютеры, сотовые телефоны, ноутбуки, телевизоры и другое электронное оборудование.

В Yahoo сообщили, что Марисса Майер станет новым генеральным директором компании. Прежде она занимала должность вице-президента Google, курируя направление интернет-поиска и цифровой картографии. Майер возглавит Yahoo, став уже четвертым CEO для компании за последние три года.

Согласно данным, опубликованным на сайте Организации экономического сотрудничества и развития, Швейцария имеет самый высокий коэффициент проникновения проводного широкополосного интернета в мире. В целом, Европа доминирует по показателю проводного ШПД: за странами ЕС в данной категории 9 из 10 первых позиций. В этот список десятой позицией попала лишь Южная Корея.

При этом, авторы рейтинга отмечают, что Европа явно отстает от большинства развитых стран по распространению мобильного ШПД: здесь в десятке лишь четыре страны — Швеция, Финляндия, Дания и Люксембург.

Google совместно с Университетом Миннесоты разместили на картографическом сервисе Google Maps панорамные снимки, сделанные на Южном полюсе планеты. В Google говорят, что новые данные позволяют всем интернет-пользователям виртуально побывать в Антарктике, не выходя из своего дома.

На размещенных панорамных фото присутствуют все традиционные атрибуты Южного полюса: пингвины, шельфовые ледники и бескрайние снежные просторы.

# Хабар +tv

5.55 Қўрсатқувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон".  
7.00 "Одам ва одам" дастури: "Замин гаройиботлари".  
7.15 "Иқлим".  
7.20 Қўнғил қўшиқ истайди".  
7.30 "Ҳў қўнғиллар". Т/с.  
8.00 Тақдирнома".  
8.40-9.45 "Малайикот" дастури.  
9.45 "Моҳир қўлар".  
9.55 "Иқлим".  
10.00 ТелеТеп: "Топталган туғил".  
10.45 "Саломатлик сирлари".  
11.00 "Абзор".  
"Бағи тағил қўнғиллари".  
11.10 "Фангипер ва Лотка". М/с.  
11.35 "Иқлим".  
11.40 "Иқлим дарс: оралитга".  
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".  
12.50 "Қўнғил қўшиқ истайди".  
13.00 Миллий сериал: "Умр манзиллари".  
13.35 "Иқлим".  
13.40 "Рангин дунё".  
14.00 "Абзор".  
14.15 Миллий кино: "Учрашув".  
15.15 Ўзбекистон муҳаббатининг 21 йиллиги: "Эрон ва обод Ватан".  
15.50 "Иқлим".  
15.55 "Ватанпарвар".  
16.40 "Ўзбекистон табиати".  
17.00 "Абзор".  
17.10 "Ватан манзиллари".  
17.25 "ТВ - шифокор".  
17.30 "Эрталаб - яшиллик етаклар".  
18.00 "Қўнғил қўшиқ истайди".  
18.10 "Иқлим".  
18.15 Миллий сериал: "Умр манзиллари".  
18.50 "Иқлим".  
18.55 Миллий сериал: "Хайт жонлар".  
19.25, 20.00, 20.55 Эъланлар.  
19.30 "Абзор" /рус/.  
20.05 "Ранг".  
20.10 "Ранг" /рус/.  
20.40 "Оғин мерос".  
21.00 "Абзор".  
21.40 "Нига".  
22.45 "Иқлим".  
22.50 "Абзор" /рус/.  
23.35 "Одам ва одам" дастури: "Замин гаройиботлари".  
23.50, 23.55 "Оғин".  
23.55 Қўрсатқувлар дастури.  
00.00 "Моҳир қўлар".  
00.10 "Иқлим".  
00.15 Миллий сериал: "Умр манзиллари".  
00.50 "Қўнғил қўшиқ истайди".  
1.00 "Абзор" /рус/.  
1.30-2.25 "Малайикот" дастури.  
2.25 "Оғин мерос".  
2.35 "Ранг".  
2.40 "Ранг" /рус/.  
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон".  
4.00 "Абзор".  
4.40 Миллий сериал: "Хайт жонлар".  
5.15 "Саломатлик сирлари".  
5.30 "Ўзбекистон табиати".  
5.50-5.55 "Оғин".



6.00 "Ватан меҳри".  
6.10 "Бахт формуласи".  
7.00 "Сардин тоғи". Т/с.  
7.30 "Мушкетерлар".  
8.00 "Ию-Июлай".  
8.20 "Пан Кайсангет гаройиботлари". Б/ф. 1-қисм.  
9.40 "Катта табиғат".  
10.00 "Камолот-инфо".  
10.10 Миллий сериал: "Умиднинг суғириши".  
10.50 "Ёшлик навоилари".  
11.10 "Ўзбекистон илҳомлари".  
11.30 "Зар амин".  
12.00 "Оғин". Т/с.  
12.50 "ЎзЕХ".  
13.00 "Дар".  
13.10 "Мушкетерлар".  
14.00 "Қўнғил дарс".  
14.50 "Абзор". Т/с.  
15.40 "Ёшлик навоилари".  
16.00 "Дар".

## ДУШАНБА — 23 ИЮЛ

16.10 Миллий сериал: "Умиднинг суғириши".  
16.50 "Қўнғил қўшиқ истайди".  
17.10 "Сароба айланган умидлар". Б/ф.  
18.50 "ЎзЕХ".  
19.00 "Дар".  
19.30 Миллий кино: "Яна ўша Насриддин". 1-қисм.  
20.20 "Ёшлик навоилари".  
20.40 "Ўқини наҳар".  
21.10 "Оғин". Т/с.  
22.00 "Дар".  
22.30 "Абзор". Т/с.  
23.10 "Саломатлик сирлари".  
23.20 "Ию-Июлай".  
00.00 "Ватан меҳри".  
00.10 "Ёшлик навоилари".  
00.30 "Дар".  
1.00 "Биз кимиз?".  
1.30 "Зар амин".  
2.00 "Камолот-инфо".  
2.10 "Душанба қўлар".  
2.30 "Пазанд".  
3.10 "Миллий мерос".  
3.30 "Ўзбекистон табиати". Б/ф.  
4.20 "Ўзбекистон табиати".  
4.30-6.00 "Сароба айланган умидлар". Б/ф. 1-қисм.



6.00 Қўрсатқувлар тартиби.  
6.05 "Оғин". Б/ф.  
7.30 "Салом, Тошкент".  
8.30 Тошкент тароналари.  
8.45 "Тенгашар".  
9.00 "Ҳаёт бостон".  
9.10 "Интервью".  
9.20 "Интеллектуал аукцион".  
9.30 "Пошта".  
9.45 "Иқлим".  
10.15 Миллий эстрада симфоник оркестрининг концерти".  
10.30 "Пошта".  
10.40 "Милан тасвири".  
11.00 "Тўйин олдин моҳоро". Б/ф.  
12.50 "Тўй-монилар".  
13.10 "Салом, Тошкент".  
14.00 "Дунё" теледустури.  
15.00 "Пошта".  
15.15 "Иқлим тақдир". Т/с. 256-қисм.  
15.30 "Хумо".  
15.50 "Эко-пошта".  
16.00 "Танга нурлари".  
16.30 Тошкент тароналари.  
16.45 Мушкетерлар. "Шумтақалар". 21-22 қисмлар.  
17.10 "Бизнес-пошта".  
17.15 "Пошта (ёлларча)".  
17.30 "Ўзлар".  
17.35 "Қасбим-фариш".  
17.55 "Мушкетерларнинг тақдирлари".  
18.00 "Пошта".  
18.25 Интеллектуал аукцион".  
18.35 Миллий сериал: "Она дар". 7-қисм. Премьера.  
19.05 "Этиқай".  
19.25 Тошкент тароналари.  
19.40 "Теле-маркет".  
20.00 "Пошта".  
20.25 "Ўқини". Т/с. 104-қисм.  
21.05 Тошкент тароналари.  
21.20 "Интервью".  
21.30 "Пошта". /рус/.  
21.50 "Теле-маркет".  
22.10 "Эко-пошта". /рус/.  
22.20 "Қиём SMS соҳаблари".  
22.25 "Старик и море". Х/ф.  
00.00 Қўрсатқувлар тартиби.  
00.05 "Толқоқ после вас". Х/ф.  
1.40 "Вас о тургане".  
2.10 "Победа капитана Кука". Д/ф.  
3.10 "Тўйин олдин моҳоро". Б/ф.  
5.00-6.00 "Салом, Тошкент".



04.00, 08.05 Телеканал "Доброе утро".  
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости.  
08.35 Контрольная закупка.  
09.00 "Жить здорово".  
10.00 Модный приговор.  
11.20 Т/с "Сергие Марин".  
12.25 Смак.  
13.00 Дунё хабарлари.  
13.25 Понять. Простить.  
14.30 "ЖКХ".  
15.20 "Хочу знать".  
16.00 "Детектор лжи".  
17.00 Вечерние новости.  
17.35 "Между нами, девочками".  
18.05 "Дайти поклонники".  
19.00, 02.05 "Тысяч говорить".  
20.00 "Время".  
20.30, 02.55 Т/с "Дом образцового строительства".  
21.30 "Русским В гости к Богу".  
22.30 На ночь глядя.  
23.20 "Мини-новин. Короткая история".  
00.05 Х/ф "Время ажанов".



6.00 "Хайратин тоғи".  
6.10 "Саломат бунинг".  
6.30 "Ўзбекистон табиати".  
7.00 "Шоколат".  
7.25 Боллар майдончаси: Тонин гимнастика.

"Спортландия". Мулфилым.  
8.00 ХАБАРЛАР.  
8.30 "Саломат бунинг".  
8.50 Футбол. Европа лигаси.  
"Манчестер Сити" - "Спуртинг". 1/8 финал.  
10.35 Авто-мотоспорт.  
11.30 "Келмак филанделлари".  
12.05 "Ринг қироллари".  
12.55 Раҳматлар, натоқлар, режиссерлар.  
13.00 ХАБАРЛАР.  
13.10 Боллар майдончаси: "Саломат бунинг". Мулфилым.  
13.40 "Оқ йул, олимпиадачилар".  
14.00 Теннис. ATP/WTA турнири.  
15.10 Велоспорт. Тур де Франс.  
16.15 Футбол. Европа лигаси Шанже 04 - "Атлетик" 1/4 финал.  
18.00 Боллар майдончаси: "Спортландия". Мулфилым.  
18.30 ХАБАРЛАР.  
18.50 Саломатлик хабарлари.  
Мана, 20 йилдан буён туман аҳолиси ўзларида фаолият кўрсатиб келаётган Сўх телевидениеси дастурларини ҳафтада тўрт мартаба кўриб бориш, туманда юзага келаётган янгилик, воқеа-хондисалардан хабардор бўлиш имкониятига эгадир. ТВ жамоаси кўрсатувлар мундарижасини яхшилаш, техник нуқсонларга йўл қўйилмасликка алоҳида эътибор беришаптир.

Эфирга узатиб борилаётган "Ахбор", "Ҳафтанона", "Муносабат", "Юзма-юз", "Шукрона", "Инсон ва қонун", "Ахбор танкид қилади", "Бизга мактуб йўллаб-сиз" ҳамда Мустақкам оила йили муносабати билан тайёрланаётган қатор дастурлар томошабинларга манзур бўлмоқда. Ҳамкорлик ришталари яхши йўлга қўйилганига сабаб Ўзбекистон ҳамда вилоят телерадио каналлари журналистлари тез-тез туманга ташриф буюриб, кўрсатувлар тайёрлашда

маслаҳатлар бериб бординлар.

— Жорий йили "Қамолот" ЁИХ ҳамда Маънавият тарғиботи маркази туман, вилоят бўлимлари ҳамкорлигида халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг маданий дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун "Ҳазрати Али" зиёратгоҳида, "Меҳрангез", "Обишир" тоғ бағрида жойлашган амфитеатрда "Уч авлод учрашуви", сеvimли шоиру санъаткорларимиз, вилоят, туман ҳокимлиги соҳа вакиллари иштирокида тадбирлар ўтказиб, эфирга узатдик, — дейди ТВ бош муҳаррири Фарҳоджон Миршарипов. — Тадбир ва учрашувларни ташкиллаштиришда бевосита ёрдамлари учун Маънавият тарғиботи маркази вилоят бўлими раҳбари Файзулло Зоҳидов, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Топиболди Холдоров, туман

ҳокими Таваккал Раҳимов ва бошқа тегинли соҳа раҳбарларига ўз миннатдорлигимизни билдирамыз.

Кейинги йилларда Сўх телевидениесида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Тасвирга олиш хоналари қайта таъмирланиб, керакли алоқа воситалари, замонавий камералар, монтаж аппаратуралари, ТВ автомашиналари билан таъминланди. Студияда иш юритаётган ходимлар учун керакли шароит, қулайликлар яратиб берилди.

Ғамхўрликлардан руҳланган Анваржон Жўраев, Додоулжа Хамидов, Илхом Қориев, Акмалжон Собиров, Баҳром Ўрунов, Жаҳонгир Собиров каби жамоа аъзолари янада самарали меҳнат қилишга астойдил интилишмоқда.

**Асқарали АНБАРЖОНОВ**

*Хикмат*

Яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлиш ва донолар билан мулоқот қилиш саодатга элтади.

**Хусайн Воиз КОШИФИЙ**

## Мижозлар мамнун


Абдурахмон Юсупов салкам 21 йилдан буён "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарона филиалининг Сўх тумани "Равон" почта алоқаси тармони обуна бўлишда ишлаб, олдиға қўйган вазифаларни сидқидилдан бажариб келмоқда.

Обуна бўлими хонаси ҳар доим мижозлар билан гавжум, улар Абдурахмондан керакли маслаҳатлар олиб, ўзлари ектирган газета-журналларга обуна бўлишга ошқикмоқдалар. Қасбининг фидойиси бўлган А.Юсупов туман қорхона, ташкилот, таълим муассасаларида бўлиб, мижозларни матбуот нашрларига обуна бўлишга даъват этади. Натижада обуначалар сафи тобора кўпайиб борапти. 2012 йилнинг қолган ойлари учун обуна уюштириш ишлари қўнгилдагидек йўлга қўйилган.

"Халқ сўзи", "Ишонч", "Овози тожик", "Фарона ҳақиқати", "Адолат йўли", "Ватанпарвар", "Садои Сўх", "Маърифат", "Инсон ва Қонун", "Хуқуқ", "Фарона шифокори", "Xabar" сингари матбуот нашрлари муҳлислари йил сайин ортиб боришида унинг муносиб ҳиссаси бор.

— Қасбимдан беҳад фахрланаман — дейди А.Юсупов. — Жамиятта, халқимизга қасбим орқали фойдам тегаётганидан беҳад хурсандман.

AKS-SADO



Ўйламай

## қилинган иш...

"Xabar" газетасининг 2012 йил 6 июл сониди эълон қилинган Матлубахон НАСРИДДИНОВА-нинг "Икки уй овораси" мақоласини ўқиб чикдим. Афсуски, шу каби воқеалар ҳаётимизда оз бўлса-да учраб туради. Лекин ана шу биргина воқеа нафақат икки оила аъзоларига, балки қариндош-уруғлар, қўни-қўшни, шунингдек, бутун маҳаллага қўнғилсизлик олиб келган.

Халқимиздаги "Ўйламай қилинган иш, келтирар ташвиш" деган мақол бежиз пайдо бўлмаган. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир инсон бирор қарорга келишдан олдин обдон ўйлаб иш қўймоғи, бошқалар билан маслаҳатлашмоғи лозим. Мақолада тилга олинган Ҳасан ака ҳатто рафикаси билан ҳам маслаҳатлашмасдан, бир ўзи қарор чиқарган. Дилбар опа эса рад этишнинг иложини топа олмаган: бир томонда эри, иккинчи томонда жигари. Шу тарика бир хато иккинчи хатога йўл очиб бораверган. Энди Ҳасан ака иродали бўлмоғи лозим. Чунки йўқотилган вақтни орқага қайтариб бўлмаганидек, пушаймон қилган билан бирор натижага эришиб ҳам бўлмайди. Энди қалби оқ қовоздай тоза неваралар тақдирини ўйламоқ керак. Ҳасан ака шу мақсадда кекса бўлишига қарамай елиб-югураётган экан, Аллоҳ у кишига қувват беради.

Бизнинг маҳалламизда ҳам фарзандсизлик билан боғлиқ бир воқеа юз берган. Бир-бирини ёқтириб турмуш қурган икки ёш орадан бир неча йил ўтса ҳамки, фарзандли бўлишмайди. Шунда оила соҳибининг укаси болаларидан бирини уларга фарзандликка беради. Каттагина бўлиб, эсини таниб қолган бола бир неча ой янги ота-онаси билан яшайди. Лекин меҳр устунлик қилиб, бола ўз ота-онаси, ака-укалари олдида кетиб қолаверади. Бунга эътибор берган катталар болани дарҳол ўз яқинлари бағрига қайтардилар. Шу тарика содир этилиши мумкин бўлган қўнғилсизликларнинг олди олинади.

Бефарзанд оила эса бир неча йилдан кейин етимхонадан ўғил фарзанд асраб олишди. Чексиз меҳр, катта эътибор билан уни тарбия қила бошлашди. Аллоҳнинг марҳаматини қарангки, турмуш қурганларига йигирма йилга яқин вақт ўтганидан кейин уларнинг ўзлари қиз фарзандли бўлишди. Бугунги кунда улар қизларини яхши оиллага турмушга беришган. Ўғилнинг ота-онасига бўлган ҳурмат-эътиборига қўлчиланишнинг ҳаваси келади. Қатор неваралар буви билан бобонинг қувончи.

Ха, сабрли инсон, албатта, ўз мақсадига эришади. Агар Санобар опа ва унинг турмуш ўртоғи ҳам сабр-тоқат, ақл билан иш юритишганида Zufаржоннинг тақдир бунчалар аянчли бўлмас эди.

Умуман олганда, оила, фарзандлар тарбияси меннинг шахсий ишим, нима қилишни ўзим биламан, деганлар хато фикрлашади. Оила жамиятнинг кичик бир бўлаги бўлиб, жамият мустаҳкам, аҳил-иноқ оилалар билан кучли. Бундай оилаларда юрт учун керакли, эл хизматиға камарбаста фарзандлар вояга етади. Болалар эса бизнинг келажакимиз, эртанги кунимизни бунёд этувчилардир. Шундай экан, болалар тарбиясида жуда эҳтиёткор бўлайлик, азизлар.

Дилором РАХИМОВА,  
педагог

## ФарДУ: АРМ

## фаолияти ривожланмоқда

Фаргона Давлат университети ахборот-ресурс маркази жамоаси "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорни ҳаётга татбиқ этиш доирасида ўтган давр мобайнида туб ижобий ўзгаришларни амалга оширишга эришди.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш, юртимиз аҳолисини кенгрок ва тизимли ахборот билан таъминлаш, ахборот олиш маданиятини замон талабларига мослаш ахборот-ресурс марказининг асосий мақсадидир.

Бугунги кунда ахборот-ресурс марказида илмий-услубий, қабул қилиш, йиғиш ва каталоглаш, фондларни саклаш, адабиёт ва электрон ахборот-ресурслар, маркетинг ва ахборот хизмати кўрсатиш, ахборот технологиялари бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Айни дамда марказ адабиётлар фонди 810424 нусхани ташкил қилади. Бу ерда 69та сўнгги русумдаги компютерлар мавжуд бўлиб, улардан 50таси интернет тармоғига уланган, бта принтер, бта сканер, 3та нусха кўчириш аппарати, DVD плеер, видеопроектор, 50 ўринли конференция зали, 90 ўринли ўқув зали, 50 ўринли компютер зали талабалар ҳамда

профессор-ўқитувчилар учун хизмат қилади.

Компютер базасида 2656та маърузалар матни, 1987та сканер қилинган адабиёт, 43та электрон дарслик, 30та мультимедиа дастури, 40122 номланишдаги китобларнинг электрон каталоглари жойланган.

"Озод ва обод маҳалла", "Президент асарларини ўрганамиз", "АРМ — эркин ахборот қафолати", "Ўзбекистонда таълим тизими тараққиёти", "Экология ва олам", "Таълимда инновацион технологиялар" "Алишер Навоий — сўз мулкнинг султони", "Захриддин Мухаммад Бобур шоир, давлат арбоби", "Зулфияхоним қизлари", "Усмон Носир — ўзбек шеърининг эркин юлдузи" мавзуларида кўргазмалар ташкил этилди.

— Замонавий ўзбек ва рус ёзувчиларининг асарлари, ўзбек ва чет эл мумтоз адабиёти, тарихий романлар, шеърятта қизиқувчи ёшлар ҳам университетимизда оз эмас, — дейди ахборот-ресурс маркази директори Отабек Жўраев. — Фойдаланувчиларнинг талаб ва қизиқишларини ўрганиш мақсадида анкета савод-жавобларини ўтказдик. Унга асосан, фойдаланувчиларнинг Президент асарлари, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, тарихий, сиёсий янги адабиётлар ҳамда детектив жанрига оид адабиётларга талаблари юқори даражада эканлиги аён бўлди.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ

Реклама

## "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

2012 йилнинг 1 август санасидан бошлаб телекоммуникациянинг қуйидаги айрим универсал хизматлари учун янги тарифлар амалга киритилишини маълум қилади:

Умумфойдаланишдаги маҳаллий телефон тармоғи хизматлари учун тарифлар

| ХИЗМАТ ТУРЛАРИ                                                                                                                     | Тўлов миқдори, сўмда                       |                             |                                              |                             |                             |                             |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------|-----------------------------|----------------------------------------------|-----------------------------|-----------------------------|-----------------------------|
|                                                                                                                                    | Бюджетдан молиялаш-тирилаётган ташкилотлар |                             | Бюджетдан молиялаш-тирилмайдиган ташкилотлар |                             | Аҳоли                       |                             |
|                                                                                                                                    | абонент тўлов тизими бўйича                | вақтбай тўлов тизими бўйича | абонент тўлов тизими бўйича                  | вақтбай тўлов тизими бўйича | абонент тўлов тизими бўйича | вақтбай тўлов тизими бўйича |
| Якка тартибда симли абонент линияси бўйича телефон тармоғига уланган асосий телефон аппаратида фойдаланганлиги учун абонент тўлови |                                            |                             |                                              |                             |                             |                             |
| шаҳар телефон тармоғида                                                                                                            | 2050                                       | 2000                        | 3900                                         | 3035                        | 2035                        | 1540                        |
| қўншлоқ телефон тармоғида                                                                                                          | 970                                        | 670                         | 2400                                         | 1700                        | 963                         | 650                         |

Белгиланган абонент тўлови ва сўзлашувларнинг ўрнатилган бир ойлик 180 дақиқа лимитидан ташқари, абонент томонидан шахсий фойдаланишдаги (телефон тармоғига абонент линияси орқали уланган) телефондан амалга оширилган сўзлашувнинг ҳар бир тўлиқ ва тўлиқсиз дақиқа учун вақтбай тўлови 6,0 сўм миқдориди белгиланди.

Республика ичидаги телеграф алоқаси хизматлари

| Хизмат турлари                                                       | Тўлов миқдори, сўмда |       |
|----------------------------------------------------------------------|----------------------|-------|
|                                                                      | Корхоналар           | Аҳоли |
| Телеграммадаги битта сўз учун тўлов                                  |                      |       |
| оддий                                                                | 60                   | 25    |
| шошилинч                                                             | 123                  | 123   |
| Телеграммаларнинг барча турлари ва тоифалари учун телеграф йиғинлари | 123                  | 123   |

Бошқа универсал хизматлар тарифлари олдинги ҳолида сақланган.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ!

Телефон тармоғига улаш учун рўйхатга олиш тўлови ва телефондан фойдаланишдаги тўловларга ўрнатилган имтиёзлар ўз кучини сақлаб қолади.

Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлашни унутманг!

Хизматлар лицензияланган.

Хизмат

Бахтсизликка, тақдир зарбаларига мардона бардош берадиган киши — дунёдаги ҳурмат-эҳтиромга сазовор кишиларнинг энг улуғидир. Чунки буюк қалб эгаларигина кийинчиликларга чурқ этмай бардош берадилар.

СЕНЕКА

# Ватан шарафини ҳимоя қилиш — улкан бахт

Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари анъанага мувофиқ мамлакатимиз бош майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.



**Ж**орий йилнинг 27 июл — 12 август кунлари Лондон шаҳри мезбонлик қиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига 60 нафардан зиёд спортчимиз йўлланма олган. Атлетларимиз Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олган бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, трampoline, велоспорт, сузиш, енгил атлетика, оғир атлетика, байдарка ва каноода эшак эшиш, бокс, дзюдо, таэквондо, эркин ва юн-рум кураши, теннис, киличбозлик, ўқ отиш каби спорт турлари бўйича беллашадилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг

2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарори ва ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган уч босқичли тайёргарлик дастури спортчиларимизнинг Олимпиадага пухта ҳозирлик кўришида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Спортчиларимиз замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва уларда муносиб иштирок этиши учун барча шарт-шароит яратилди. Лондон Олимпиадасида иштирок

этадиган спортчиларимиз орасида Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари қолиб ва совриндорлари бўлган тажрибали спортчилар билан бир қаторда ушбу мусобақада илк маротаба иштирок этадиган ёш иқтидор эгаларининг ҳам кўпчилиги Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга қодир етук спортчилар авлоди тарбияланаётганидан далолат беради.

Делегация аъзолари пойтахтимиздаги Амир Темури хибони ва Алишер Навоий номидаги Миллий боғни ҳам зиёрат қилиб, жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз — Соҳибқирон Амир Темури ва Алишер Навоий хайкаллари пойига ҳам гуллар қўйдилар.



## КОМПЬЮТЕР О'ЙНЛАРИ

## Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти геймерлари беллашдилар


Қарши шаҳридаги Shubrat.UZ интернет-клубида компютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати Uzbekistan Cyber Games Beeline 2012 минтақавий саралаш турнири ўтказилди.

Фонд Форум, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ва "infoCOM.UZ" журнали ташкилотчилиги ва "Билайн" уяли компанияси бош ҳомийлигида ўтказилган Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари геймерлари минтақавий турнири ўтган йилдагига қараганда янада қизиқарли эканлиги билан ажралиб турди.

— Қаршидаги ўйинлар Бухоро, Самарқанд, Фарғона шаҳарларидагига нисбатан анча қизиқарли бахслар билан бошланди, — дейди чемпионатнинг ташкилий қўмита раҳбари Александр Сучков. — Эътиборли томонидан саралаш мусобақасини ўтказиш учун алоҳида тайёргарлик кўрилган. Ўйлаётганимиз, мамлакатимизнинг жанубий вилоятлари ёшлари ўзларининг иқтидорларини кўрсатишда етарли имкониятлар ва кўникмаларга эга. Худудларда ўтказилган турнир ғолиблари 11-12 август кунлари пойтахтдаги Ёшлар ижод саройида ўтказилиши режалаштирилаётган мусобақанинг финал ўйинларида иштирок этиш имкониятини қўлга киритиб, муносиб тақдирланадилар. Шунинг айтиб ўтишни истардимки, бу каби чемпионат мусобақалари қарийб ўн йилдан буён ўтказилиб келинмоқда. Ўзбекистон ёшлари дунёнинг йирик, ривожланган давлатларида ўтказилган мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ўзларининг нима-ларга қодир эканлигини намойиш этиб келмоқдалар.

Саралаш турнири ғолиблари ташкилотчилар ва ҳомийлар томонидан муносиб тақдирланиб, миллий финалга йўлланма олдилар.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,**  
"Хабар"нинг Қашқадарё вилоятидаги муҳбири



## Осиё чемпионати якунланди

Пойтахтимизда ўтказилган каратэ бўйича катталар ўртасида XI ҳамда ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги XII Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари бир олтин, 9 кумуш ва 4 бронза медални қўлга киритди.

Ўсмирлар ва кизлар ўртасидаги бахсларда иқтидорли спортчимиз Шаҳзода Ортиқова ўз вази тоифасида Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Катталар ўртасида тажрибали спортчиларимиздан — Мухаммадзохид Иминов кумуш, Рустам Ашуров ва Дилфуза Акбарова бронза медални қўлга киритди.

## Сухроб — жаҳон чемпионати совриндори

Испаниянинг Барселона шаҳрида енгил атлетика бўйича 19 ёшгача бўлган ўсмирлар ва кизлар ўртасида ўтказилган XIV жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик иқтидорли спортчи Сухроб Хўжаев бронза медални қўлга киритди.

Ўсмирлар ўртасидаги босқон улуктириш беллашувларида муваффақиятли қатнашган ҳамюртимиз 76 метру 16 сантиметр натижа билан ўз шахсий рекордини ўрнатди ва жаҳон чемпионатининг бронза медалини қўлга киритди.

Барселонада ўтган бу йилги жаҳон чемпионати Сухроб Хўжаев учун 27 июл — 12 август кунлари Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ўтказиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарлик босқичи вазифасини ўтади.



## Ришод ролик қаҳрамони

Лондон Олимпиадаси арафасида Халқаро дзюдо федерацияси "Дзюдо қаҳрамонлари" деб номланган промороликларини тайёрлади. Ортдошимиз, таниқли дзюдочи, икки қарра жаҳон чемпиони Ришод Собиров ана шундай роликлардан бирининг қаҳрамониға айланди.

Роликларнинг умумий сюжети оддий: машҳур курашчилар ўзларининг спортдаги фаолияти ва келажак режалари ҳақида сўзлаб беришади.

Ришод Собиров иштирокидаги ролик бошқалари каби Олимпиада пайтида намойиш этилади.

## Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Маълум қиладикки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 458-сон қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"TOSH TEMIR SAVDO" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003732 рақамли;

"YULDUZ" хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг (Тошкент вилояти) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002790 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2012 йил 18 июлдан тугатилди.

### Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

|                                                                                                                                                    |                                                                                                                                                                      |                                                                                                       |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p>"Республика махсус алоқа боғламаси" ДУК жамоаси Бухоро вилояти махсус алоқа боғламаси бошлиғи Б.Бобоевга отаси</p>                              | <p>"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали ҳамда Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Когон телекоммуникациялар боғламаси меҳнат фахрийси</p> | <p>"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси филиал ходими Омонулло Қосимовга волидаи муҳтарамаси</p> |
| <p><b>Саъдулло БОБОЕВ</b>нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.</p>                                                                | <p><b>Саъдулло БОБОЕВ</b>нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.</p>                                                     | <p><b>Тўхтаҳон аянинг</b> вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.</p>                       |
| <p>"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали жамоаси Қарши почта ишлаб чиқариш участкаси обуна бўлими катта йўриқчиси Хабиба Воҳидовага онаси</p> | <p><b>ИҚЛИМА аянинг</b> вафоти муносабати билан таъзия билдиради.</p>                                                                                                | <p>"ЎЗИ-Қарши" филиали жамоаси филиалнинг 221-ЭАТС участка бошлиғи Эшмўмин Холмуродовга синглиси</p>  |
|                                                                                                                                                    |                                                                                                                                                                      | <p><b>Роҳат ХОЛМУРОДОВА</b>нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.</p>                 |

# Рамазон ойингиз муборак бўлсин!

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Унда ушбу улўф ойнинг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга хос олижа-

ноб фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улўфлашга катта эътибор қаратилган. Ушбу қарор кенг жамоатчилик томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинди.

Рамазон ойидан ҳосил бўладиган савоб ва баракотлардан умид қилган ҳолда эътиборингизга Рамазон ойи тақвимини ҳавола этамиз.

| Йил | Август | Хафта кунлари | Оғиз ёпиш | 2012/1433      |       |       |       | Оғиз очилш | (Тошкент учун) |
|-----|--------|---------------|-----------|----------------|-------|-------|-------|------------|----------------|
|     |        |               |           | намоз вақтлари |       |       |       |            |                |
|     |        |               |           | тонг           | кўёш  | пешин | аср   |            |                |
| 20  | Ж.     | 3-35          | 5-05      | 13-00          | 17-53 | 19-53 | 21-23 |            |                |
| 21  | Ш.     | 3-36          | 5-06      | 13-00          | 17-52 | 19-52 | 21-22 |            |                |
| 22  | Я.     | 3-37          | 5-07      | 13-00          | 17-51 | 19-51 | 21-21 |            |                |
| 23  | Д.     | 3-38          | 5-08      | 13-00          | 17-51 | 19-51 | 21-21 |            |                |
| 24  | С.     | 3-38          | 5-08      | 13-00          | 17-50 | 19-50 | 21-20 |            |                |
| 25  | Ч.     | 3-39          | 5-09      | 13-00          | 17-49 | 19-49 | 21-19 |            |                |
| 26  | П.     | 3-40          | 5-10      | 13-00          | 17-48 | 19-48 | 21-18 |            |                |
| 27  | Ж.     | 3-41          | 5-11      | 13-00          | 17-47 | 19-47 | 21-17 |            |                |
| 28  | Ш.     | 3-42          | 5-12      | 13-00          | 17-46 | 19-46 | 21-16 |            |                |
| 29  | Я.     | 3-43          | 5-13      | 13-00          | 17-45 | 19-45 | 21-15 |            |                |
| 30  | Д.     | 3-44          | 5-14      | 13-00          | 17-44 | 19-44 | 21-14 |            |                |
| 31  | С.     | 3-45          | 5-15      | 13-00          | 17-43 | 19-43 | 21-13 |            |                |
| 1   | Ч.     | 3-46          | 5-16      | 13-00          | 17-42 | 19-42 | 21-12 |            |                |
| 2   | П.     | 3-47          | 5-17      | 13-00          | 17-40 | 19-40 | 21-10 |            |                |
| 3   | Ж.     | 3-48          | 5-18      | 13-00          | 17-39 | 19-39 | 21-09 |            |                |

| Август | Хафта кунлари | 2012/1433 |                |       |       |       |        | Оғиз очиш | (Тошкент учун) |
|--------|---------------|-----------|----------------|-------|-------|-------|--------|-----------|----------------|
|        |               | Оғиз ёпиш | намоз вақтлари |       |       |       |        |           |                |
|        |               | тонг      | кўш            | пешин | аср   | шом   | хуфтон |           |                |
| 4      | Ш.            | 3-49      | 5-19           | 13-00 | 17-38 | 19-38 | 21-08  |           |                |
| 5      | Я.            | 3-50      | 5-20           | 13-00 | 17-37 | 19-37 | 21-07  |           |                |
| 6      | Д.            | 3-51      | 5-21           | 13-00 | 17-36 | 19-36 | 21-06  |           |                |
| 7      | С.            | 3-52      | 5-22           | 13-00 | 17-34 | 19-34 | 21-04  |           |                |
| 8      | Ч.            | 3-53      | 5-23           | 13-00 | 17-33 | 19-33 | 21-03  |           |                |
| 9      | П.            | 3-54      | 5-24           | 13-00 | 17-32 | 19-32 | 21-02  |           |                |
| 10     | Ж.            | 3-55      | 5-25           | 13-00 | 17-31 | 19-31 | 21-01  |           |                |
| 11     | Ш.            | 3-56      | 5-26           | 13-00 | 17-29 | 19-29 | 20-59  |           |                |
| 12     | Я.            | 3-57      | 5-27           | 13-00 | 17-28 | 19-28 | 20-58  |           |                |
| 13     | Д.            | 3-58      | 5-28           | 13-00 | 17-27 | 19-27 | 20-57  |           |                |
| 14     | С.            | 3-59      | 5-29           | 13-00 | 17-25 | 19-25 | 20-55  |           |                |
| 15     | Ч.            | 4-00      | 5-30           | 13-00 | 17-24 | 19-24 | 20-54  |           |                |
| 16     | П.            | 4-01      | 5-31           | 13-00 | 17-22 | 19-22 | 20-52  |           |                |
| 17     | Ж.            | 4-02      | 5-32           | 13-00 | 17-21 | 19-21 | 20-51  |           |                |
| 18     | Ш.            | 4-03      | 5-33           | 13-00 | 17-19 | 19-19 | 20-49  |           |                |

## Оғиз ёпиш дуоси

Навайту ан асума совма шахри Рамазона минал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъала, Аллоҳу акбар.

## Оғиз очиш дуоси

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва алайка таваккалту ва ала ризқиқа афтарту. Фағфирлий ма қоддамту ва ма аххорту бироҳматика йа архамар роҳимийн, Аллоҳу акбар.

Тошкентдан бошқа шаҳарларда куёшнинг чиқиш ва ботиш вақтидаги фарқлар (дақиқа ҳисобида) Тошкентдан олдин: Фарғона — 10, Андижон — 12, Наманган — 10, Қўқон — 7; Тошкентдан кейин: Самарқанд — 9, Жиззах — 6, Бухоро — 21, Гулистон — 7, Шаҳрисабз — 10, Навоий — 19, Хива — 35, Нукус — 42.

## MASHHURLAR HAYOTIDAN

### Мен йўқлигимда

Бир чакимчи киши йўлда кетган Сукротни тўхтатиб деди: — Яқинда бир даврада ўтирган эдим, йўқлигингиздан фойдаланиб сизни роса ёмонлашди. — Йўқ пайтимда мени ўлдиришса ҳам майли, — деди Сукрот бепарволик билан. — Лекин сен чакимчилик қилиб одамлар орасига совуқчилик солиб юришни бас қилмасанг, ўзинг бирорта балага дуч келасан.

### Маслаҳат сўрамаганман

Мусикага кизикувчи йигитчалардан бири Моцартдан симфония ёзишни ўргатишини сўради. — Симфония ёзиш учун хали жуда ёшсиз, — деди Моцарт. — Ахир сиз биринчи симфониянгизни ёганингизда тўққиз ёшда эдингиз-ку! — Тўғри айтасиз. Ўшанда тўққиз ёшда эдим. Лекин мен ҳеч кимдан маслаҳат сўрамаганман.

М.АБДУҚОДИРОВА

Бағдод халифаси Мутаваккилнинг нихоятда хушсурат, шунинг билан бирга ақлли ва зукко ёш кули бор эди. Бола халифага жуда ёки қолганлиги сабаб, уни ўз болалари каби яхши кўрар, шу боис фарзандликка қабул қилган эди. Халифа фарзандлари қатори Фатҳнинг ҳам пухта билим эгаллаши, жисмоний чиникиши учун барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қиларди.

Фатҳ сузишни ўрганмоқчи эканлигини айтганида Мутаваккил энг уста сузувчиларни қақриб, болага сабоқ беришни топширди. Улар Фатҳга аввал кўлда, сўнгра Дажла дарёсида сузишни ўргатдилар. Узоқ машқлардан сўнгра Фатҳ асов Дажла дарёсида ҳам бемалол суза бошлади. У хали ёш бўлганлиги сабаб оқим кучли пайтда сузиш мумкин эмаслигини билмасди.

Бир куни Фатҳ оқим энг кучайган пайтда ўзини дарёга ташлади ва қайтиб чиқмади. Тошқин сув уни узоқ-узоқларга суриб кетди. Лекин у ўзини йўқотиб қўймади. Бор кучи билан сузиб дарё четига ёриқлардан бирига кириб олди. Лекин қанча ҳаракат қилса ҳам тепага чиқа олмади. Тирик қолганига шукр қилиб, дарахт илдизидан маҳкам тутганича шу жойда қолиб кетди.

Фатҳнинг дарёга гарқ бўлганлиги ҳақидаги хабар халифани ақлдан озди-

рай деди. У тахтдан тушиб, ерга ўтириб олди. Қўқиб кетган вазирлар мамлакатдаги энг уста ғаввосларни қақриб келдилар.

## Яхшиликнинг қайтиши

### RIVOYAT

— Ораларингдан ким ўғлимни ўлиги ёки тиригини олиб келса, муносиб тақдирлайман, — деди халифа. — Токи Фатҳ топилмагунча ҳеч нарса емайман.

Ғаввослар Дажлага бориб, қидиришни бошлаб юбордилар. Еттинчи куни улардан бири ўша ёриққа бориб қолди ва Фатҳни кўриб қувониб кетди.

— Шу ерда тур, ҳозир қайик олиб келаман, — деди у. Сўнгра Мутаваккил хузурига чопди.

— Ё амир-ал-мўминин, суюнчи беринг, Фатҳни топдим, — деди у. — Ҳозир қайик билан бориб, олиб келаман.

Қўп ўтмай Фатҳни халифа хузурига келтиришди. Мутаваккил ғаввосга беш минг динар мукофот берди ва хазинасининг бир қисmini бева-бечораларга тарқатишни буюрди.

|                                                                                                                                                     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             |                                                                                                                                         |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               |                                                                                                 |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <div><div>Xabar</div><div>МУАССИС:</div><div>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</div><div>Бош муҳаррир:<br/>Абдусайд КҮЧИМОВ</div></div> |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          | <div>ТАХРИР ХАЙЪАТИ:<br/>Хуришд МИРЗАХИДОВ (Хайъат раиси), Шухрат АТАМУХАМЕДОВ, Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАХМУДОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шомансур АБИДХОЛЖАЕВ, Сувоп НАЖБИДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</div> <div>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</div> <div>Реклама матнларининг тўричилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</div> |                                                                                                                                         | <div>МАНЗИЛИМИЗ:<br/>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.<br/>Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.<br/>Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz<br/>Обуна индекси — 228.</div> <div>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.<br/>Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.<br/>Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.</div> |                                                                                                 |
| <div>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақам билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</div>                          |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          | <div>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади</div>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              | <div>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.<br/>Мазия: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</div> | <div>Г-752 сонли буюртма. Офсет усулида босилди.<br/>Қороз бичими А-3, ҳажми 4 босма табак.<br/>Адади: 14662 нуска.</div>                                                                                                                                                                                                     | <div>ISSN 2010-6424<br/>Босишга топширилди — 20.00.<br/>Босишга топширилиш вақти — 20.00.</div> |
| <div>Вилоят муҳбирлари:</div>                                                                                                                       | <div>Андижонда 226-47-80<br/>Бухорода 223-27-85<br/>Гулистонда 40-12-19<br/>Жиззахда 226-06-34<br/>Навоийда 225-91-10<br/>Наманганда 232-97-86<br/>Нукусда 554-35-45<br/>Самарқандда 233-61-81<br/>Термизда 224-06-12<br/>Тошкентда 288-40-66<br/>Урганчда 226-37-16<br/>Фарғонада 224-91-56<br/>Қаршида 314-08-99</div> |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             |                                                                                                                                         |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               |                                                                                                 |